“БОБУРНОМА”ДА НАБОТОТ ОЛАМИ ҲАҚИДА

Т.А.МАДУМАРОВ, А.УММАТОВ

В статье освещается своеобразие описания растительного мира в “Бабур-наме”, которое дает достаточно полное представление о природе того времени.

The article deals with the special peculiarities of the description of the flora in the “Baburnama” which gives a full idea about the nature of that time.

Табиатни ўсимликлар дунёсисиз тасаввур этиш қийин. Ер юзида беш юз мингдан ортиқ ўсимлик турлари маълум бўлиб, уларнинг ярмидан ортиғини гулли ўсимликлар ташкил этади. Ўсимликлар қанчалик кўп бўлишига қарамасдан, улар турли шароитларда ва ўзига хос тарзда ўсишга мослашган. Шунинг учун ҳам улар хилма-хил ва ранг-барангдир. Эҳтимол, шу ранг-баранглик Бобурни наботот оламига тортгандир.

Табиатан кузатувчан Бобур ўзи борган, истиқомат қилган жойларнинг наботот оламига алоҳида эътибор ва қизиқиш билан қараган. Шунинг учун ҳам “Бобурнома”да бирон бир шаҳар ёки ҳудудга таъриф бераркан, у жойнинг ўсимликларини эътибордан четда қолдирмайди. Жумладан, Андижон таърифида “қовун ва узуми яхши бўлур ... Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас» деса, Марғилон таърифида “анори ва ўруги асру кўп хўб бўлур. Бир жинс анор бўлур, “дона калон” дерлар, чучуклигида зардолу майхушлиғидин андак чошни бор. Самнон анорларига таржеҳ қилса бўлур. Яна бир жинс ўрук бўлурким, донасини олиб, ичига мағз солиб қурутурлар, “субхоний” дерлар, бисёр лазиздур» дея қайд этади. Кўриб турганимиздек, муаллиф мева номларини қайд этиш билан кифояланмайди, уларнинг маза-таъми, қандай истеъмол қилиниши каби жиҳатларга ҳам эътибор қилади. Кўпинча эса Бобур мевага хос бўлган энг муҳим хусусиятни лўнда баён этади. Масалан, Кобулга таъриф бераркан: “Кобул ва кентларида совуқ иқлимга мансуб мевалардан узум, анор, ўрик, олма, беҳи, амруд, шафтоли, қароли, санжид, бодом ва ёнғоқ кўпдур” дейди, яъни санаш билан кифояланади. Сабаби, муаллиф “совуқ иқлим” деганида бизнинг иқлимни назарда тутади, яъни ўқувчининг ўзида мавжуд билимлар орқали унга Кобулда кенг тарқалган мевалар ҳақида маълумот беради. Бироқ булар ичида бири борки, унинг бир хусусиятини таъкидлашни лозим билади: “Бир нав узуми бор, оби ангур дейишади, жуда яхши узумдир. Маст қиладиган чоғирлари бўлади”. Бобур Марғилон таърифида субхоний ўригига алоҳида тўхталгани каби, бунда оби ангурга алоҳида тўхталади: иккаласидан ҳам қандай фойдаланилишига эътибор қаратади. Узумга берилган таърифдан эса, гап узумнинг май тайёрлаш учун махсус нави (винобоп нав) ҳақида бораётгани англашилади.

“Бобурнома”да қовунга, айниқса, катта эътибор билан қаралган: муаллиф ўзи бўлган деярли барча ҳудудлардаги қовун навларини тавсифлаган. Жумладан, Ахси таърифида қовунни характерлаб, шундай ёзади: «Бир қовундурким “Мир Темурий” дерлар, андоқ қовун маълум эмаским оламда бўлғай. Бухоро қовуни ҳам машҳурдир. Самарқандни олғон маҳалда Ахсидан, Бухородин қовун келтируб бир мажлисда кестурдум, Ахси қовуннинг ҳеч нисбати йўқ эрди”. Аввало, бу ўринда Бобур тавсифларида кенг қўлланган қиёслаш усулида “Мир Темурий” нав қовуннинг, яъни Ахси қовунининг устунлиги таъкидланмоқда. Бироқ Бобур бу каби қиёслар билангина чекланмай, айрим навларни муфассал тавсифлайди. Масалан, Конибодомдан уч йиғоч масофада жойлашган Насуҳ қўрғонида бўлганида, “Исмоил шайхий” навли қовунга эътиборни жалб этади: “бир нав қовун бўладики, “Исмоил шайхий” дейдилар, пўчоғи сариқ, сағри терисимон, юмшоқ қовун бўлади, таъми олманикига ўхшайди, гўшти тўрт энлик, ажаб лазиз қовундир. Бундай қовун у томонда бошқа жойда бўлмайди”. Кўриб турганимиздек, Бобур қовун навининг асосий хусусиятларини санаб ўтади ва бу билан у ҳақда ишончли, тугал маълумот беради.

Маълумки, қовуннинг ватани Ўрта Осиё ҳисобланади, чунки айнан шу ҳудудда у ҳозирда ҳам ёввойи ҳолда учрайди. Бобур санаган юқоридаги навларнинг келиб чиқишида аввалига онгсиз танлаш, кейин эса методик танлаш катта роль ўйнагани аён. Ҳозирги пайтга қадар ўша ёввойи қовундан бир-биридан фарқ қиладиган қатор қовун навлари чиқарилгани, уларнинг айримлари йўқолиб, ўрнига янгилари пайдо бўлгани – булар ҳаммаси, албатта, деҳқончилик маданияти ривожи билан боғлиқ кечган жараёндир. Шунга қарамай, Бобур меҳр билан қайд этган навлар унинг ўзи қолдирган маълумотлар асосида қайта тикланса эди, бу нарса, ковун селекцияси билан шуғулланувчи мутахассисларнинг улуғ юртдошимизга эҳтироми бўлур эди.

Бобур Андижондан Ҳиндистонга қадар тоғ, адир, маданий воҳаларда ўсадиган ўсимликларнинг тарқ-

алиши ва ҳаётий шаклларини акс эттирувчи аниқ илмий маълумотларни ёзиб қолдирганки, уларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ўсимликларнинг ҳозирги ҳаётий шакллари: дарахт, бута, чала бута, ўтлар (гиёҳлар), эфемерлар вакиллари “Бобурнома» муаллифининг назаридан четда колмаган. Масалан, Фарғона вилоятида учровчи бутага бундай таъриф берилади: “Тобулғу йиғочи бу тоғларда бор, ўзга ҳеч ерда бўлмас.Тобулғу бир йиғочедур, пўсти қизил, асо қилурлар, қамчи дастаси, қушларга қафас қилурлар, тарош қилиб тиргаз қилурлар, табарруклик билан йироқ ерларга элтарлар». Кўряпмизки, муаллиф ўқувчида ўзи тавсифлаётган бута ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилиш билан бирга, ундан эл қандай фойдаланиши ҳақида ҳам маълумот беради. Бобур у ёки бу ҳудудда учрайдиган гиёҳларни таърифлашда ҳам худди шу йўлдан боради. Масалан: “Бир гиёҳ эшитдимким, Еттикентнинг тоғларида бўлур, ул эл “айиқ ўти” дерлар “Ябрух ус-санам” – меҳригиёҳ (женшень) хосиятлик, ғолибо меҳригиёҳдур, ул эл бу от билан аталур”. Бобур ушбу гиёҳ ўзининг дориворлик хусусияти билан халк табобатида жуда ката аҳамиятга эга бўлганини кайд этса, Кобул атрофида учрайдиган “Қулон қуйруғи” номли заҳарли ўтдан балиқ тутишда фойдаланилишини таъкидлайди: “Яна куз пайтлари, қулон қуйруғи деган ўт чиқиб, етилиб, гуллаб, дон боғлаганида, бу қулон қуйруғидан ўн-ўн икки боғ ҳамда кўк шувоқдан йигирма ўттиз боғни сув бошига олиб келиб, янчиб, сувга соладилар. Солган заҳотиёқ сувга кириб маст бўлган балиқларни тута бошлайдилар”.

Кобулнинг тоғ ҳудудлари ҳақида ёзаркан, Бобур бунда “арча, чилғўза, булут ханжак (эман дарахти) йиғочлари бисёр... улуғ чинорлар ҳам бор”лигини қайд этса, Хожа Сайрон чашмаси ҳудудида “улкан чинор ва булут дарахти бор, лекин Қобулнинг ғарбий тоғларида бу икки дарахт учрамайдир” деб ёзади. Кўряпмизки, муаллиф дарахтларнинг тарқалиш хусусиятларига ҳам эътибор қилади: гарчи тарқалишдаги ўзига хосликлар сабабини очиб бермаса ҳам, бунга ўқувчи диққатини тортади, яъни ўзига хос тарзда илмий муаммо қўяди. Бобур дарахтлардан қандай фойдаланилишига ҳам эътибор беради, уларнинг қайсилари қурилиш материали сифатида, қай бирлари ёқилғи сифатида “элга наф бериши”ни қайд этади.

Бобурнинг табиатшуносга хос ўткир нигоҳидан ўсимликларнинг турли навлари ҳам четда қолмайди. Муаллиф табиатидаги қизиқувчанлик уларнинг бир-биридан фарқини англашга, навларни санашга ундайди. Жумладан, Кобул вилоятидаги Дашти Шайх ҳақида: “Бу доманада ранго-ранга ҳар навъ лола бўлур. Бир қатла санаттим, ўттиз икки-ўттиз уч навъ ғайри мукаррар лола чиқти. Бир навъ лола бўлурким, андин андак қизил гул иди келур, лолайи гулбўй дер эдук. Дашти Шайхта бир парча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас. Яна ушбу доманада Парвондин қуйироқ садбарг лола бўлур, ул ҳам бир парча ерда Ғурбанд тангисининг чиқишида бўлур”. Шуниси эътиборга моликки, Бобур эътиборини тортган ва ўзига хос жиҳати қайд этилган кейинги икки нав лола ҳозирда бизга маълум эмас. Алоҳида таъкидлаш зарур: Бобур санатиб қайд этган 33-34 нав лоладан ҳозирда Ўзбекистонда 25 тури учрайди, қолган 9 та тури эса йўқолиб кетди. Албатта, бунинг табиий сабаблари мавжуд, лекин бунда антропоген омиллар таъсири устувордир. Маълумки, лолалар пиёзчасидан 4-5 йил, уруғидан эса 9-10 йил давомида ўсиб ривожланади. Лоланинг унибўсиши учун ҳеч бўлмаганда 2 та барги ва пиёзчаси ерда қолиши зарур. Яъни бу гулнинг гўзаллиги, унга шайдоларнинг кўплиги лолаларнинг табиий популяциясига салбий таъсир кўрсатади. Зеро, масалан, тоғдан суйиб лола тераётган одам уни пиёзчаси билан қўшиб юлиб олганида табиатнинг 4-5 йиллик меҳнатини зоега кетказганини ўйламайди. Демак, дадил айтиш мумкинки, лола навларининг камайишида экологик маданиятимиздаги нуқсонлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бизларга ўрнак бўлароқ, Бобур табиатга фақат истеъмолчи сифатида қарамайди. Аксинча, у ўсимликлар дунёсини кенгайтиришга ҳаракат қилади, уларни мутлақо янги шароитда иқлимлаштириш билан шуғулланади. Бобур айрим ўсимликларнинг ниҳолларини эктириб, уларнинг ривожланишларини шахсан ўзи кузатган. Масалан, Бобур Қобул ҳақида ёзганида: “Мен олу-болу ниҳоли кетуруб эктурубмен, яхши олу-болулар бўлди ва ҳануз тараққийда эди... Найшакарни келтуруб эктуруб эдим” дейди. Шунингдек, “Ҳиндустонга қовун, узум эктирган эдим, меваси бўлур экан, еб хурсанд бўлдим” деб ёзади, айни пайтда, уларнинг мазаси бизникига ўхшамаслигини ҳам айтиб ўтади.

Ҳиндистон набототи таърифида Бобурга хос кузатувчанлик, тавсифдаги аниқлик янада яққол кўзга ташланади. Бобур ўзи ва ўқувчисига таниш бўлмаган ўсимликларни таъриф этаркан, меваларининг кўриниши, таъми, ҳажми, ранги, дарахтининг гули, япроғи каби жиҳатларини ботаник нуқтаи назардан аниқ тавсифлайди, аниқ тасаввур бериш учун кўпинча ўқувчига маълум дарахт ва меваларга қиёслайди. Шу жиҳатдан Ҳиндистонда ўсадиган банан ҳақида берилган маълумотлар характерли:

1. “Яна кайладур, араб мавз дер”. (Бобур энг аввал ҳиндлар кайла деб атайдиган мевани араблар мавз деб аташини қайд этади.)

2. “Дарахти хейли баланд эмас, балки дарахт деб ҳам бўлмас... Гиёҳ била дарахт орасида бир нимадур” (Таърифланаётган ўсимлик дарахтининг ўзига хослиги, унинг оралиқ ҳодиса эканига эътиборни тортади.)

3. “Барги амонқоранинг баргига мушобиҳдур, вале кайланинг баргининг узунлиги икки қари бўлур, яссилиғи бир қариға ёвушур, ўртасида юракдек бир шох чиқар, ғунчаси бу шоҳда бўлур ва улуқ ғунчаси қўй юраги вазъликдур, ғунчасининг ҳар барги очилғоч, баргининг тубида қатор олти-етти гули бўлур, бу қатор гуллар кайла бўлур”. (Кайланинг барги ўқувчисига таниш амонқора ўсимлиги баргига ўхшаши, фақат ўлчами каттароқлигини айтиш билан у ҳақда аниқ тасаввур ҳосил қилади; барг орасидан шох чиқариши ва ғунчасининг шакли “қўй юраги”га ўхшашлигини айтиш билан тасаввурни бойитади; гуллаш ва мева тугиш жараёнини тавсифлайди.)

4. “Ҳар кайла дарахти бир қатла-ўқ бар берур эмиш”. (Фақат бир қатла ҳосил беришини айтиб, буни ўзи шахсан синамаганлигини таъкидлаш учун “эмиш” тарзида ифодалайди.)

5. “Кайланинг икки латофати бор: бир улким, териси осон сўйилур. Яна бир улким, ҳеч донаси ва жирми бўлмас...” (Мевасининг ўзига хослиги, уруғи ва толаси бўлмаслигини қайд этади.)

6. “бодинжондин бир нима узунроқ ва иничкаракдур”. (Ўқувчига таниш бақлажонга қиёсан мевасининг шакли ҳақида тасаввур беради.)

7. “хейли чучук эмас. Бангола кайлалари бисёр чучук бўлур эмиш”. (Меваси у қадар ширин эмаслигини айтиб, Бангола кайласи ширин бўлишини эшитганини қайд этади.)

8. “Хейли хушнамо дарахти бор, ясси-ясси хушранг сабз барглари яхши кўринур”. (Дарахтининг хушманзара ҳосил қилишини айтади.)

Кўриб турганимиздек, Бобурнинг кайла ўсимлиги ҳақида берган маълумоти ботаника нуқтаи назаридан анча муфассал бўлиб, ушбу маълумот муайян тартиб (номи, дарахти, барги, ғунчаси, гули, меваси) асосида баён қилингандир. Худди шу ҳол Бобурномада берилган ўсимликлар ҳақидаги маълумотларнинг илмий қимматини белгилайди.

Ҳиндистондаги айрим ўсимликларнинг ўзига хос хусусиятларига Бобур ҳайрат билан қарайди, шу ҳайратини ўқувчиси билан ўртоқлашади. Масалан, Ҳиндистон хурмоси ҳақида шундай ёзади: “Дерларким, наботот орасида хурмо дарахтининг икки иши ҳайвонотқа ўхшар: бир улким, нечукким, ҳайвонот бошини кесарлар – ҳаёти мунқатиъ бўлур. Хурмо дарахтининг ҳам боши кесилса, дарахти қурур. Яна бир улким, нечукким, ҳайвоноттин бе нар натижа ҳосил бўлмас, хурмо дарахтига ҳам нар хурмодин шохини келтуруб тегурмасалар, яхши бар бермас. Бу сўзнинг ҳақиқати маълум эмас”. Маълумки, ҳозирги замон ботаника фани наботот оламида ҳайвонларга хос айрим хусусиятларга эга ўсимликлар мавжудлигини эътироф этади. Кўриб турганимиздек, хурмо таърифида Бобур айни шу жиҳатга диққат қилади, лекин буни шахсан ўзи тажрибадан ўтказмагани, балки ўзгалардан эшитиб билганини ҳам ҳалоллик билан қайд этади. Шунга ўхшаш, Бажур норанжи (апельсин)нинг ҳосилдорлиги ҳақида: “Хожа Калон дедиким, Бажурда ушбу жинс норанжнинг бир дарахтидин олиб санадук, етти минг норанж чиқти”,- деб ёзади. Ёки норанжга ўхшаш мева сифатида таърифланган амалбед ҳақида: “бу уч йилдан бери эмди назарга келди. Андоқ дерларким, игнани мунинг ичига солсалар эрир, туршлиғидинму экин, ё хосиятинму экин” деган саволни қўяди. Ушбу мисоллар ҳам Бобурнинг билиш иштиёқи ғоят баланд эканидан, у қайд этаётган маълумотларнинг нечоғли ҳаққоний, холислигидан далолат беради. Эътиборлиси шуки, “Бобурнома”нинг шунга ўхшаш қатор ўринларида ўқувчи муаллифнинг шахсан ўзи текшириб кўролмагани, бунга имкони йўқлиги учун афсус қилгаётганини ҳис этади. Бу эса, агар ҳаёти хотиржам кечганида ёки умри қисқа бўлмаганида, Бобур кейинча бу масалаларни анча чуқур ўрганган бўлур эди деган фикрга бошлайди.

“Бобурнома”да наботот олами ҳақида берилган маълумотлар таҳлили Бобур шахсида бизга, ҳозирги замон илм аҳлига ибрат бўларлик икки жиҳатни таъкидлаб кўрсатиш имконини беради. **Биринчиси**, атроф-муҳитни билишга иштиёқнинг юксаклиги. Ахир, шу иштиёқ туфайли Бобур, ҳаёти жанг-жадаллар сурони ичида кечганига қарамай, авлодларга шунча кўп маълумот қолдирмадими? Шундай экан, илмий изланишлар йўлида турфа қийинчилик ё тўсиқларга дуч келганимизда, Бобурдан ибрат олишимиз фойдали бўлади. **Иккинчиси**, илмий ҳалоллик, ўзи билишга муваффақ бўлган нарсани борича, орттирмай ва камитмай ифодалашдирки, бу олим одам учун ғоят муҳим фазилатдир. Ниҳоят, “Бобурнома”даги наботот оламига оид маълумотлар фақат таваллуд кунлари муносабати билан эмас, балки махсус тадқиқот объекти сифатида атрофлича чуқур ўрганилиши зарурдирки, бу ботаника илмини бойитиш билан бирга, унинг тарихи ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилишимизга имкон беради.

Адабиётлар:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.- Т.: Ўқитувчи, 2008
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.- Т.: Шарқ, 2002
3. Х.Ҳасанов Бобир сайёҳ ва табиатшунос.- Т.: Ўзбекистон, 1983

Андижон давлат университети,
2012 йил 16 январда қабул қилинган.